



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Рухсатова Рушана Ўқтамовна

(Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси),

rushanaruxsatova@gmail.com

**Аннотация:** Мазкур ишида қишлоқ хўжалиги молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг макроиқтисодий таҳлили баён этилган. Шунингдек, таҳлиллар асосида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириши бўйича таклиф ва тавсия келтирилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, кўрсакич, самарадорлик, унумдорлик, иқтисодий самара.

**Аннотация:** В статье описан макроэкономический анализ финансово-экономических показателей сельского хозяйства. Также на основе анализа даны предложения и рекомендации по развитию аграрного сектора.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, показатель, эффективность, продуктивность, экономическая эффективность.

**Abstract:** The article describes a macroeconomic analysis of financial and economic indicators of agriculture. Also, based on the analysis, proposals and recommendations for the development of the agricultural sector are given.

**Key words:** agriculture, indicator, efficiency, productivity, economic efficiency.

Иқтисодиётнинг энг тез ўсиб бораётган йўналишларида амалий тадқиқотларни кўчайтириш, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги молиявий иқтисодий кўрсаткичларининг микро-макроиқтисодий таҳлиллари асосида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини оширишнинг оптимал варианtlарини топиш бугунги куннинг долзарб масалаларига айланмоқда. Боиси, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш, соҳани модернизация қилиш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантириш “Ўзбекистон-2030” стратегиясида устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган. Маълумки, иқтисодиётни, унинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилмасдан, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, уни жадал ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Зоро, мазкур соҳа зиммасига аҳолини турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса қимматли хом ашё маҳсулотлари билан таъминлаш юкланган.


Шу ўринда, иқтисодчи олим, А.Э. Сагайдакнинг макроиқтисодий саноат даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи шартларни кўрсатиб ўтганлигини, айтиш ўринлидир. Бунда биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли (тахминан 5 йил) фаолият кўрсатиш шартларини белгилаб берувчи қонунни қабул қилиш зарурати кўрсатилган. Иккинчидан, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқарувчиларининг ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида самарали қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш кераклигини асослаган. Учинчидан, мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун барқарор имкониятлар яратиш кераклиги таклиф этилган [1]. Бунда, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш ва прогнозлашнинг илмий асосланган тизимини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудий ва озиқ-овқат бозорларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдоси тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ва ресурс ишлаб чиқарувчи тармоқлар ўртасидаги алмашинув эквивалентини ошириш. Ушбу вазифаларни бажаришда қуйидагиларни кўриб чиқиш талаб этилади:



**1-расм. 2000-2022 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш динамикаси.**

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, тадқиқ этилаётган йиллар оралиғида республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида энг салмоқли улушни буғдой, картошка ташкил этган, энг кам улуш эса пилла ва бошқа маҳсулотлар тўғри келган.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўзгариши, %.**

2-расмга эътибор берадиган бўлсак, унда келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, тадқиқ ва таҳлил этилаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг юқори ўсиш нуқтаси 2004 йилга, энг пастки ўсиш нуқтаси 2018 йилга тўғри келган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисми – дехқончилик орқали етиширилган маҳсулот бўйича ҳам айнан 2004 ва 2018 йилларда энг юқори ва паст нуқтасига эришилган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари даражаси 2008, 2017 ва 2018 йилларда кескин пасайиш кузатилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида дехқончилик маҳсулотлари улуши чорвачилик маҳсулотлари улушкидан кўпроқ бўлган.

Қишлоқ хўжалиги молиявий иқтисодий кўрсаткичларининг макроиқтисодий таҳлили иқтисодиёт доирасида қишлоқ хўжалиги сектори олдида турган кенгроқ имкониятлар хақида тушунча беради. Ушбу турдаги таҳлил ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳиссаси, бандлик даражаси, инфляция, фоиз ставкалари ва қишлоқ хўжалигига хос бўлган савдо балансларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигининг миллий ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссаси унинг иқтисодий аҳамиятини кўрсатади. Ҳиссанинг камайиши саноатлаштиришни кўрсатиши мумкин, ортиб бораётган ҳисса эса қишлоқ хўжалигига самарадорлик ёки талабнинг ўсишини кўрсатади.


Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳам мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашда марказий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. 2022 йили республикамизда ЯИМ 254,04 трлн. сўмни ташкил этди. Самарқанд вилоятида 16390,1 млрд. сўмни, Қашқадарёда 24654,8 млрд. сўмни, Сурхондарё вилоятида 27963 млрд. сўмни ташкил килган. Ахоли жон бошига ЯИМ (ЯХМ) тегишли равишда 7909,1 минг сўм, 4560,2 минг сўм, 8848,6 минг сўм, 5037,4 минг сўм, 8299,8 минг сўм ҳамда 4559,0 минг сўм бўлган.

Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалигига таъсир қилувчи ўзгаришлар макроиқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу умумий таъсирни таҳлил қилиб кўрайлик [2].



**3-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ЯИМ га нисбатан қўшилган қиймати(фоизда)<sup>2</sup>**

Бунинг учун қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ўсишдаги ўрни ва ривожланишини билиш муҳимдир. Бунда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бир қатор тушунтириш омилларига ажратилади [3-6]. Жаҳон банки маълумотлари асосида, 3-расмда Ўзбекистон Республикасида 1987-2022 йилларда қишлоқ хўжалигини ЯИМдаги улушининг ривожланиши кўрсатилган (3-расм).



**4-расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМининг ўзгариши, %**

4-расмда келтирилган маълумотларни таҳлил этиш натижалари, республикамизда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўйича пасайиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, ЯИМдаги ўзгариш, яъни пасайиш 2007 ва 2009 ҳамда 2010 ва 2017 йилларда рўй берган. Айниқса, 2015 йилдан бошлаб кескин пасайиш кузатилган. ЯИМ(ЯҲМ) ҳажмининг камайиш тенденцияси минтақалар бўйича ҳам рўй берган. Ҳудудлар кесимида таҳлил қиласак, Сурхондарё вилоятида ўзгариш тенденция пасайиш характерига эга бўлса-да, энг яхши натижа

<sup>2</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/NV.AGR.TOTL.ZS?end=2019&start=1995&view=chart>

кузатилмоқда, Самақанд вилояти эса энг ёмон натижага эришган. Унда, масалан, 2015 йилда ижобий ўзгаришлар рўй берган, лекин кейинги йилларда йилдан-йилга ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич бўйича Қашқадарё вилоятида ҳам ахвол яхши эмас, пасайиш энг юқори даражани ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фикримизча, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва тубдан ислоҳ қилиш учун қуйидаги чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиши ҳамда муайян ишларни амалга ошириш керак:

- экин майдонларини замонавий сув тежайдиган технологияларни қўллаш орқали ўзлаштириш ва мазкур ерларда озуқабоп, доривор, мойли, дуккакли, шоли, ғалла, сабзавот, полиз экинлари экиш, интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг хуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиши;
- ресурстежамкор технологияларни жорий этиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошириши;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиши;
- ер муносабатларини ислоҳ қилиш доирасида экин майдонлари ижара хуқуқини гаровга қўйиш механизмини жорий қилиши;
- кўчатчилик хўжаликлари реестрини юритиш ва кўчатларни сертификатлаш тизимини жорий қилиши;
- ҳар бир туманда аграр соҳадаги илм ва инновациялар, янгича ёндашувлар, замонавий агротехник тадбирларни амалга оширишга кўмаклашувчи марказларни ташкил қилиши ва ҳоказо.

Натижада, фикримизча, ушбу чора-тадбирлар амалга оширилса, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг изчил тараққиёти, аҳолининг моддий фаровонлиги ҳамда миллий иқтисодиётимиз ўсиши таъминланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сагайдак А.Э., Сагайдак А.А. Совершенствование рентных отношений в сельском хозяйстве // Инновации и инвестиции. 2019. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-rentnyh-otnosheniy-v-selskom-hozyaystve>.
2. Gollin D., Parente S., and Rogerson R. (2002). The role of agriculture in development. American Economic Review 92 (2): 160–164.
3. Annemarie van Arendonk. The development of the share of agriculture in GDP and employment. A case study of China, Indonesia, the Netherlands and the United States.IAMO.2015.



4. Zaripova M. D. Improving the quality of training of high qualified personnel on the basis of competence level assessment //Gwalior Management Academy. Journal of Management Value & Ethics. Jan.-March. 21 Vol. 11 No.01 – 2021. – P. 139. <https://jmveindia.com/journal/FILE%20JAN-MARCH%202021%20FINAL.pdf#page=139>
5. Zaripova, M. D. Assessment of the quality of education in the higher education system / M. D. Zaripova // Theoretical & Applied Science. – 2019. – No. 11(79). – P. 390-392. – DOI 10.15863/TAS.2019.11.79.81. – EDN NVHBNL.
6. Zaripova Mukaddas Djumayozovna. Oliy ta'lim tizimida yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonlari tendensiyalari va rivojlanish istiqbollari // SAI. 2023. №Special Issue 14. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-ta-lim-tizimida-yuqori-malakali-kadrlar-tayyorlash-jarayonlari-tendensiyalari-va-rivojlanish-istiqbollari>.
7. Либкинд А.С., Иванова А.В., Литвинова Л.В. Экономика сельского хозяйства: Учеб. пособие. - Москва: [МЭСИ], 1975. - 48 с.